

## Мероснинг сабаблари

15:50 / 18.04.2017 4661

Мерос олиш учун қариндошлик ва унинг даражаси маълум бўлиши зарурдир. Шунда фароиз илми бўйича олимга мерос тақсимлаш осон бўлади. Зеро, меросхўрлар ҳолатига қараб мерос ҳукмлари ҳам ўзгаради. Масалан, бу маййитнинг акасиدير дейишни ўзи кифоя қилмайди. Балки, у туғишган, ота бир ёки она бир эканини билишимиз лозимки, буларнинг ҳар бири мерос олишда бир-биридан фарқ қилади.

Шунга кўра, мерос олишга имкон берадиган сабаблар учтадир:

1. Қаробат - ота-она, фарзандлар ва улар воситасида маййитга қариндошлиги боғланган кишилар. Яъни, маййитга насабий жиҳатдан қариндош бўлганлар. Агар уларни мерос олишига бирор монеъ бўлмаса, мерос олишга ҳақлидир.
2. Никоҳ - эр-хотин орасидаги саҳиҳ никоҳ ақди, агар духул(қўшилиш) ёки у билан хилватда бирга бўлиш вужудга келмаса ҳам, улар бир-биридан мерос олишга сабаб бўлади. Эр хотиндан ёки аксинча хотин эридан мерос олишига сабаб улар орасида никоҳ ақди борлигидир. Фосид ёки ботил никоҳ туфайли улар орасида ўзаро мерос олиш йўқ.
3. Вало - буни сабабий ёки ҳукмий қаробат ҳам дейилади. Валоул- итқ, валоун-неъмат ҳам дейилади. Агар бир хожа қулини озод қилса, бу билан ўзи ва қули орасида валоул- итқ деб номланувчи робита, алоқа пайдо қилади. Шу алоқа сабабли қулидан мерос олишга ҳақли бўлади. Хожа қулига ҳуррият ва инсонийлик бағишлагани учун қул ўлган чоғида бошқа вориси бўлмаса, озод қилувчи ворис бўлади.